Feruza AMONOVA,
Tashkent Chemical-Technological Institute, doctor of philosophy in history PhD. feruza_amonova88@mail.ru, A.Navaiy, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

БУХОРО АМИРЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ МУЛКДОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ)

ФОРМИРОВАНИЕ КЛАССА МЕСТНЫХ ВЛАДЕЛЬЦЕВ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ (КОНЦЕ XIX – НАЧАЛА XX ВЕКОВ)

FORMATION OF A CLASS OF LOCAL OWNERS AT THE END OF XIX – THE BEGINNINGS OF THE XX CENTURIES IN THE BUKHARA EMIRATE

Калит сўзлар: *тижоратчилар, заводчи бойлар, банкирлар, савдогарлар, тўқимачилик, пахта тозалаш заводлари, ипакчилик, олтин рубль.*

Ключевые слова: *Бизнесмены, заводские богачи, банкиры, торговцы, ткачество, хлопкоочистительные заводы, шелководство, золотой рубль.*

Key words: *Businessmen, factory rich men, bankers, dealers, weaving, otton-cleaning plants, silkworm breeding, gold ruble.*

Давлатнинг юксалиши ва равнақ топиши ишлаб чиқариш турлари, давлатнинг ички имкониятлари, иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ. Қайси соҳаларда бўлмасин, у ижтимоий бўладими, иқтисодий, диний-маданий соҳа бўладими унинг ривожланиши давлатнинг ташқи муҳитдаги ўрнига, иқтисодий соҳани ҳаракатлантирувчи ишлаб чиқарувчи кучларига боғлиқ. Бундай кучлар қаторига меҳнаткаш аҳолидан тортиб йирик ишбилармон тадбиркорлар, мулкдорлар қатлами кирган.

Бухоро амирлиги Россия империяси томонидан истило этилгач, амирликда маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан миллий сармоядорлар, савдо-саноат эгаларининг шаклланиши жамиятда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, XIX аср охири – XX аср бошларида амирликда сафи кенгайган мулкдорларнинг ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш билан бирга диний, маданий-маърифий соҳаларда ҳам ўз ҳиссаларини қўшиши халқ томонидан муносиб баҳоланган. Шунинг учун уларнинг фаолиятини ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш муҳим.

Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида фаолият олиб борган янги маҳаллий мулкдорлар синфининг шаклланиши, савдо саноатидаги ўзгаришлар, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини “Туркестанский сборник”, “Закаспийское обозрение”, “Таржимон” газеталари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-323 фонди (Вақф ёрлиқлари коллекцияси фонди)да сақланаётган ҳужжатлар асосида таҳлил қилинади.

Бухоро амирлигидаги мулкдорлар қатламини ўрганишда дастлабки манба Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланган “Вақф ёрлиқлари коллекцияси”деб номланган И-323 фонди бўлиб, унда катта ҳажмдаги вақф ҳужжатлари жамланган. Жамғармадаги ҳужжатлар мазмуни даврий жиҳатдан IX асрдан то XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврга тегишли бўлиб, улар асосан ҳукмдорлар, амалдорлар, мулкдорлар томонидан мадрасалар, кутубхоналар, шифохоналар фойдасига тузилган. Жумладан, андхуйлик Мирзабой Раҳимбой ўғли ўзи ва вакили сифатида бир нечта дўқондорлар номидан ўз мулкларини Андхуй вилоятидан Бухоро шаҳрига таҳсил олиш учун келган талабаларга берганлари тўғрисида вақфнома. Тадбиркорлар Фозилжой Абдуллоҳ ўғли, Уста Мулло Абдуллоҳ ўғли, Мулло Жўрабой Фозилбой ўғли, Акрам Турсунбой ўғли каби кўплаб мулкдорларнинг мулклари масжид, мадрасалар фойдасига вақф қилинганлиги тўғрисидаги вақфнома ҳужжатлари сақланган *[1]*.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида мулкдор ва тадбиркорлар мулкларини вақф қилиш билан бирга мадрасаларда таҳсил олаётган талабаларга нафақалар тўлаган, уларга ўқиш учун маълум даражада шароит яратишга ҳисса қўшганлар. Ҳужраларда ўқиш учун шам, ерга тўшаш учун бўйра (тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама), қиш кунларида тахорат қилиш учун ҳаммомларда иссиқ сув келтирилган. Бироқ буни вақфнома (ҳужжат)да қайд қилиб бориш шарт бўлган.

Мирза Муҳитдин Мансуров Бухоро амирлигида йирик сармоядор бойлардан бўлиб, бир нечта пахта тозалаш заводларига эга, “Мансуров савдо уйи”нинг асосчиси. Бухородаги дастлабки газета – “Бухорои шариф”ни моддий жиҳатдан таъминлаб турган, янги усул мактабларининг ҳомийси. Қоракўл тери бозоридаги йирик тадбиркор. У “Мансуров савдо уйи” орқали Милан, Рим, Берлин, Лондон, Москва ва Петроград шаҳарларида тўқимачилик ва қоракўл мўйнаси маҳсулотлари дўконига эга бўлган. Америка, Франция, Германия, Англия ва бошқа мамлакатларнинг Стужин, Рихтер, Зельман, Иранан, Дюршмит, Торер, Клин каби сармоядорларнинг хорижий савдо компаниялари билан пахта

Мақолада Бухоро амирлигида XIX аср охири ва XX аср бошларида маҳаллий буржуазия қатламининг шаклланиши ва йирик мулкдорлар фаолияти ҳақида сўз боради. У архив ҳужжатлари ва тарихий тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили асосида ёзилганлиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро амирлигида XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий мулкдорлар қатламининг шаклланиши минтақада ўша даврда юз берган иқтисодий ва сиёсий омилларга боғлиқ бўлган. Россия империясининг Бухоро амирлиги устидан протекторатининг ўрнатилиши натижасида амирлик ҳудудига рус капитали кириб кела бошлайди. Рус ва хорижлик бошқа сармоядорлар маҳаллий аҳоли вакиллари орасидан етишиб чиққан буржуазия вакиллари: савдогарлар, тадбиркорлар, саноатчи бойлар, пахта ва ёғ-мой заводлари эгалари билан иқтисодий ҳамкорлик қилишларига тўғри келган. Амирликда шаклланган ўзбек сармоядорларининг тўнғич авлоди вакиллари минтақадаги бошқа маҳаллий мулкдорлар, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги ва Хива хонлигидаги мулкдорлар, билан ўзаро рақобат ва ҳамкорликда иш олиб боришган. Бухоро савдогарлари, қоракўлчи ва заводчи бойлар бу пайтда Россиядан ташқари Туркия, Афғонистон, Германия, Франция, Италия ва бошқа хорижий давлатларда ҳам фаолият юритганлар.

Бухоро амирлигида вақф мулклари юз йиллар давомида мавжуд бўлиб, ўз мол-мулкининг муайян қисмини вақфларга ажратган бадавлат одамлар ва уларнинг меросхўрлари Бухоро мадрасалари, масжидлар ва бошқа муассасалар фаолиятида муҳим роль ўйнашган. Вақф ерларидан олинган даромад натижасида мадраса толибларининг харажатлари қопланган. Мударрис ва муллаваччалардан ташқари аҳолининг бошқа қатламлари (уламолар, қаландарлар, дарвешлар ва бошқалар) ҳам вақф мулкларидан келган даромадлардан фойдаланишган. Хусусан, Бухорода мадраса ва масжидлар фаолиятида, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлашда, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод қилишда вақф мулкларидан тушган харажатлар ижобий роль ўйнаган.

В статье речь идёт о формировании слоя местной буржуазии и о деятельности крупных собственников в Бухарском эмирате конца XIX – начала XX века. Данная статья имеет особую значимость по причине её написания на основе сравнительного анализа архивных документов и исторических исследований.

Формирование слоя местных собственников в Бухарском эмирате в конце XIX – начале XX века было связано с экономическими и политическими факторами того периода. В результате установления протектората Российской империей над Бухарским эмиратом на территорию эмирата начал входить русский капитал. Русские и другие иностранные инвесторы были вынуждены экономически сотрудничать с представителями буржуазии из местного населения: с торговцами, предпринимателями, богачами, владетелями хлопковых и масленых заводов. Представители старшего поколения узбекских инвесторов, формировавшихся в эмирате, вели конкуренцию и сотрудничество с другими местными собственниками, то есть с собственниками в Туркестанском генерал-губернаторстве и в Хивинском ханстве. Бухарские торговцы, каракульцы и богачи – владетели заводов в это время вели свою деятельность кроме России также и в Турции, Афганистане, Германии, Франции, Италии и других зарубежных странах.

В Бухарском эмирате столетиями существовали вакфные имущества, и богачи, выделившие большую часть своего имущества в вакфы, а также их наследники играли важную роль в деятельности Бухарских медресе, мечетей и другий заведений. С помощью доходов от вакфных земель покрывались расходы учеников медресе. Кроме учителей и учеников-мулл также пользовались доходами от вакфных имуществ другие слои населения (улемы, каландары, дервиши и другие). В частности, доходы от вакфного имущества играли положительную роль при деятельности медресе и мечетей, при реставрации и сохранении исторических памятников, а также при благоустройстве паломничеств и кладбищ.

In article it is about formation of a layer of the local bourgeoisie and about activity of large owners in the Bukhara emirate of the end of XIX – the beginnings of the XX century. This article has the special importance because of it is writing on the basis of the comparative analysis of archival documents and historical researches.

The formation of local ownership in the Bukhara Emirate in the late 19th and early 20th centuries was largely dependent on economic and political factors in the region at that time. As a result of the establishment of the Russian empire's protectorate over the Bukhara Emirate, Russian capital began to enter the Emirate. Russian and other foreign investors had to cooperate with the bourgeois representatives of the local population: traders, businessmen, wealthy men, owners of cotton and oil factories. Representatives of the first generation of uzbek investors formed in the emirate have competed and cooperated with other local owners in the region - the Turkestan governor general and the Khiva khanate. The Bukhara traders, the carpenter and the rich have worked in Turkey, Afghanistan, Germany, France, Italy and other foreign countries.

In Bukhara Emirate, have waqf lands for for hundreds of years, and the wealthy people and their heirs who have donated a portion of their property to the foundations have played an important role in the activities of Bukhara madrassas, mosques and other institutions. As a result of the income from the waqf lands, the expenses of the madrassahs were covered. In addition to muddarris and mulberries, other segments of the population (printers, eremites, darvish, etc.) also benefited from the foundation's revenue. In particular, the contribution of foundation funds to the work of madrassas and mosques in Bukhara, the restoration and preservation of historical monuments, and the improvement of shrines and cemeteries played a positive role.

сотиб олиш ва сотишда фаол иштирок этган йирик мулкдор ҳисобланган. *[2; 27-30 с].*

Кучли сиёсатчи, давлат арбоби Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғли ўз даврининг йирик мулкдорларидан бири бўлган. Бухоро сармоядорлари орасидан йиллик операциялари миллион рус рублидан (олтин ҳисобида) ўтиб кетган йирик савдогар Убайдуллахўжанинг ўғли, унинг укаси Латифхўжа Қосимхўжа ўғлининг жияни эди *[3; 92 б.].* Қосимхўжа оиласи вакиллари ип-газлама, қоракўл тери, пахта ва жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланиб келганлар. Париж ва Нижний Новгород шаҳарларида бўлиб ўтган ярмаркаларда иштирок этганлар. Жумладан, 1896 йилда Нижний Новгород ярмаркасида 19-қаторда жойлашган 78-79 дўконлар Латифхўжа Қосимхўжа ўғлига тегишли бўлгани диққатга сазовордир *[4; 3 с.]*. Файзулло Хўжаев отаси вафотидан кейин Азов-Дон банкининг Москва филиали билан ҳамкорликда қоракўл тери ва бошқа товарлар савдоси билан мустақил равишда фаолият олиб борган. 1917 йил 27 сентябрда у банкка қуйидагича мурожаат қилган: "...Файзуллахўжа Убайдуллахўжадан: Сиздан менинг товарларим учун икки юз минг рубль миқдорида қўшимча қарз беришингизни ва маблағни банкингизнинг Бухоро филиали ҳисобига ўтказишингизни, олти юз эллик рубль миқдордаги товарларимни суғурта қилишингизни сўрайман" *[5; 434 с.]*. Маблағлари ҳисобидан ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳаларнинг маълум даражада ривожланишига ҳисса қўшган. Талабаларнинг Истанбул, Измир шаҳарларига таълим олишлари учун маблағ ажратган.

Абдумансур Ёров ўзининг тадқиқотларида кўплаб Бухоро савдогарларининг номлари, уларнинг фаолияти ва мулклари ҳақида маълумотлар тўплаган. Хусусан, "Бухарский эмират на мировой рынке (вторая половина XIX – начало XX столетия)" монографиясида пахта ва қоракўл тери савдо-саноатида ўз ўрнига эга тадбиркорларнинг номлари қуйидагича келтирилган: "... Бухоро амирлигидаги I-гильдия сармоядорларига Амир Саййид Абдулаҳадхон ва амир Саййид Олимхон, Убайдулла Хўжа ва Латифхўжа Қосимовлар, Жўрабек ва Миркалон Арабовлар, Мирза Муҳитдин Мансуров, Мирза Сирожиддин Ҳаким, Мухторхўжа Азизхўжаев каби бир нечта йирик мулк эгалари, II ва III гильдия савдогарларнинг фаолияти ва жамиятдаги ўрни диққатга сазовордир" *[6; 66-75 с.]*.

Бухоро амирлигидаги маҳаллий бойларни тадқиқ этишда Муҳаммадали Балжувонийнинг "Тарихи Нофеий" асарида келтирган қуйидаги маълумотлари ҳам диққатга сазовор: "Бу муқаддимада машҳур бўлган (бухоролик)лар ҳақида ёзаман. Энг аввало, номдор тожирлардан бўлган Амир Абдулаҳадхон билан биргаликда "шерик тижорат" бўлганлар Мирза Муҳиддин сарроф, Убайдуллахўжа, Муҳаммадолим Жўравой Пўст ўғилларини айтиш мумкин. Бу учалалари Бухоронинг энг илғор тожирлари эдилар" *[7; 53 б.]*. Шулар қаторида, Мустафохўжа, Вадьяев, Каюпов, Ғофурхўжа Миржонов, Мурод Ашурбой карвонбоши, Пўлатбой карвонбоши, Кароматуллоҳ Хўжа, Мирзо Исо Муҳаммедов, Муҳаммад Юнусов, Раим Бобожонов, Муқимбоев, Сулаймон Ҳазратқулов ва бошқа бир қатор маҳаллий савдогарлар ҳам алоҳида мавқе ва мартабага эга эдилар *[8; 4 б.]*. Бу савдогарлар ўз фарзандларини ҳам имкон қадар ушбу соҳа сирларидан воқиф қилиб, ўз тижорат ишларини шариат қоидалари асосида давом эттиришда муносиб ворислар бўлиб етишишларини орзу қилишарди.

Тадбиркорликнинг кенг ривожланиб бориши янги-янги саноат корхоналари вужудга келишига сабаб бўлган. Хусусий корхона эгалари бўлган мулкдорлар қатлами кўпайган. Бунинг натижасида шаҳарлар аҳолиси ўртасида табақаланиш жараёни тезлашган. Бу жараёнлар воҳа аҳолиси катта қисмининг қишлоқ хўжалиги билан алоқасини узиб, бевосита ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, тадбиркорлик билан банд бўлишига олиб келган. Бухоро амирлигида саноат корхоналарининг кириб келиши қўл меҳнатига асосланган маҳаллий эски ҳунарманд савдогарлар учун катта зарба бўлган.

XIX аср охирларида амирлик худудида ҳам саноат ишлаб чиқаришида, ҳам ички ва ташқи савдо муносабатларида тўқимачилик соҳаси муҳим ўрин эгаллади. Натижада қишлоқ хўжалик хом ашёсига асосланган саноатнинг айрим тармоқлари кенг ривож топган. Россия империяси бозорларида сифатли ипак ва ипак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришга жиддий аҳамият қаратилди. Ўлкада пахта тозалаш, шойи ва жун газламаларни ишлаб чиқарувчи фабрикалар, хом ашёни қайта ишлайдиган заводлар вужудга келган. Жумладан, биргина Янги Бухоро шаҳрининг ўзида 1913 йилгача иккита ип-газлама тўқийдиган фабрика фаолият олиб борган *[9; 145 р.]*.

XX аср бошларида амирлик ҳунармандчилигида мануфактурага яқинлашиш жараёнлари кузатилган. Бу даврда мустақил ишлашга имкони бўлмаган ҳунарманд турли ҳунармандчилик уюшмаларига бирлашиб, ишлаб чиқаришда фаол иштирок этган. Масалан, амирликнинг муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган Қарши шаҳрида 25 нафарга яқин йирик тўқувчи тадбиркорларнинг уюшмалари фаолият олиб борган. Улардан энг нуфузлиси Мулла Охун бўлиб, унинг уйида 40 га яқин тўқув дастгоҳида

ҳунармандлар ипак матолар ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар. Иккинчи йирик уюшма Турсунжон чўлоқ тўқимачилик уюшмаси бўлиб, унда мингдан ортиқ тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб турган. 1909 йилга келиб, Бухоро шаҳридаги ип газлама тўқийдиган дастгоҳларнинг сони 15 тага яқин бўлган *[10; 35 б.]*. Бу ердаги тўқимачилик дастгоҳларига эга бўлган усталарга алачабоф уста Қозоқжон, уста Ҳофиз, адрасбоф уста Носир, уста Мўмин, уста Шариф, бахмалбоф уста Ашур, уста Хонхўжа, уста Йўлдош, Ашур Мурод, уста Жўрабой, уста Қосимхўжа, Мирзо Карим каби тадбиркорлар кирган *[11; 20 б.]*. Шунингдек, Бухоро шаҳрида уста Мўминжон, уста Ғуломқори, уста Жўрабой, уста Олимлар бошқаруви остида 4 та тўқимачилик уюшмалари фаолият кўрсатган.

Бухоро шаҳрида энг йирик тўқимачилик корхонасининг эгаси ҳисобланган Қозоқжон номли тадбиркор ихтиёрида 120 та тўқимачилик дастгоҳи мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарган тўқимачилик маҳсулоти *"Алачайи Қозоқжон"* номи билан машҳур бўлган. Шунингдек, йирик тўқимачилик корхонаси эгаси Хўжа Қосимнинг уюшмасида 25 та дастгоҳ бўлиб, ҳар кунига 40 та уста рўмол тўқиган. Бундан ташқари Ҳожи Ислом, Хўжа Қосим каби ишбилармон ҳунарманд тадбиркорлар қўлида 25 тадан 35 тагача тўқувчилик дастгоҳлари ёрдамида рўмол ва шойи ишлаб чиқарилган *[12; 23 б.]*.

Бухоро амирлигининг Бухоро, Ғиждувон, Кармана, Қарши шаҳарларида кенг тарқалган ва ривожланган саноатбоп тармоқлардан бири пахта ва пилла толасига ишлов беришдир. Бу ерда пахта ва пилла толасидан чит, дока, атлас, беқасам каби маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондиришда ва катта миқдорда четга чиқариладиган матолар тайёрланган. Зарафшон воҳасида товар ишлаб чиқаришининг жонланиши чет мамлакатлар билан алоқаларнинг ривожланишига ҳамда шаҳар ва қишлоқларда тадбиркорлик ва савдо-сотиқ ишларининг кенгайишига кенг йўл очиб берган. Абдунабибой ва Мулла Абдуваҳоб Пашим воҳада пахта савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогарлар тоифасига кирган. Абдунабибой ҳар йили 60 вагонгача, Абдуваҳоб Пашим эса 30 вагонгача пахтани четга жўнатишган. Бухоролик йирик савдогар Жўрабек ва Миркалон Арабовлар ҳам пахта савдоси билан шуғулланган. У Фарғона водийсидан ҳар йили ўртача 4 вагон пахта толасини олиб келиб, хорижга чиқарган. Кароматуллоҳ Хўжа ўғли Пўлат Хўжа ҳам савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш, харидоргир моллар сотиб олиш ёки ўз товарларини сотиб даромад қилиш мақсадида Фарғона водийсидаги Андижон, Марғилон, Қува, Хўжанд, Ўш каби шаҳарларга вақти-вақти билан сафарлар қилиб турган. У Ўшда ўзининг бир нечта хусусий дўконларига ҳам эга бўлган *[13; 67 с.]*.

Эски Бухорода яшаб фаолият юритган Карвонбоши Абдурауф Азизов, Ғайбуллабой Мирфайз ўғли, Абдуғиёс Оқсоқол Восиқ ўғли, Ҳаётжон Очилдибой ўғли каби тадбиркорлар шариат қоидаларига кўра мулкларини маълум бир қисмини масжид, мадрасалар ихтиёрига вақф қилган бўлсалар, қолган қисмини ўз манфаати йўлида турли маҳсулотларнинг улгуржи савдосига банд қилганлар.

Карвонбоши Абдурауф Азизов Бухоро савдогарларининг етакчиси бўлган. У тулки ва сувсар мўйнаси, қўзи териси, қоракўл тери, пахта, пилла, жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган тадбиркор эди. *Ғайбуллабой Мирфайз ўғли* ун, шакар, оққанд (қаттиқ конфет), гугурт савдоси билан шуғулланган мулкдор бўлган. *Абдуғиёс Оқсоқол Восиқ ўғли* қоракўл тери олди-сотди савдосида воситачи (даллол)лик қилган. *Ҳаётжон Очилдибой ўғли* қоракўл тери, қўзи териси, пахта, жун ва жун маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланиб, Россия империясининг бир нечта шаҳарларида қоракўл тери ва пахта толасини сотиш билан шуғулланган *[14; 4 с.]*.

XX аср бошларига келиб, қоракўл савдоси Россия ва чет элда экспорт қилиш ноёб фойда келтирадиган манбага айланган. Ўз ўрнида кўплаб компаниялар саноатчиларни жалб қила бошлаган. Маҳаллий савдогарлар қоракўл мўйнаси баҳосини кўтаришга ҳаракат қилганлар. Қоракўл терига бўлган талаб қанчалик ортса, даромад ҳам шу даражада юқори бўлган. Масалан, "Туркестанский сборник" газетасида ёзилишича 1905 йилда мўйна савдоси билан шуғулланадиган Лейпциг фирмаларидан бири Бухоро шаҳридан 385 минг дона қоракўл тери сотиб олиб, уларни 17-20 минг франкдан сотиб катта даромадга эга бўлган *[15; 4 с.]*.

1909 йилдан қоракўл бозорида янги омил сифатида фирмалар Россия империяси қўшини офицерлари учун қоракўл теридан тайёрланган бош кийим ва куйи амалдорларга форс мўйнасидан тайёрланган бош кийим савдоси билан шуғулланна бошлаганлар *[16; 2 с.]*.

Қоракўл мўйнаси баҳосининг фавқулодда кўтарилиши ва талабнинг ортишига сабаб Европа ва Америка аёлларининг муфта (муфта – аёлларнинг қишда икки ёқдан қўлни тиқиб юрадиган енгчаси), ротонда (ротонда – XIX аср охири – XX аср бошларида аёлларнинг ёпинчиқ кўринишидаги енгсиз қишлик иссиқ кийими), бўйинбоғлар, пальтоларининг сифатли қоракўл мўйнасидан тайёрланиши сабаб бўлган. Дастлаб бундай кийимлар Россия ва Европа бозорларида 300-500 рублда баҳо-

ланган. Аммо бу юқори нарх бадавлат оила аёллари учун ҳам қимматлик қилганлиги сабабли Европа ишлаб чиқарувчилари бу каби мато маҳсулотларини арзон ва қулай усулини ишлаб чиқган *[17; 2 с.]*. Бунинг учун қоракўл қўйларини Марказий Европа шаҳарларида кўпайтириш бошланган. 1904 йилда Австрия ҳукумати қоракўл қўйларини кўпайтириш учун Бухоро шаҳридан Босния ва Герцеговинага кўплаб зотдор қўйлар олиб кетган. Шунга ўхшаш тажриба Венгрияда ҳам амалга оширилган. 1903 йилда Венгрия кишлоқ-хўжалик институти талабига биноан Каринтия шаҳрига Бухоро шаҳридан 290 бошли наслдор қоракўл қўйлари олиб кетилган *[18; 2 с.]*. Статистик маълумотларга кўра, 1910 йилда немис фирмалари Бухоро шаҳридан 200 мингдан зиёд қоракўл тери сотиб олган *[19; 4 с.]*.

Қоракўл тери ва тери маҳсулотлари савдоси Азов-Дон, Рус-Осиё ва Рус-Хитой банкларининг маблағлари орқали ривожланган. 1910 йилда пахта ва қоракўл мўйнаси тижорат банклари ҳамда Москва ва Нижний Новгород ярмаркаларида кўпроқ сотилган. Азов-Дон банкининг Эски Бухорода 51 та қоракўл етказиб берадиган бўлимлари бўлиб, банк Москва филиалининг маблағлари эвазига 1912 йилда 235 381 дона, 1913 йилда 262997 дона қоракўл тери сотиб олинган *[20; 313 с.]*.

Фирма ва банклар ўртасидаги рақобат шу даражада авж олдики, маҳаллий савдогарлар қоракўл тери сифатига унчалик эътибор бермайди. Натижада сифатсиз тери маҳсулотларини чиқариш оқибатида мўйна нархининг пасайиши ва талабнинг сусайишига олиб келди. Биргина мисол, 1914 йилда Нижний Новгород ярмаркасида қоракўл тери маҳсулотининг умумий қиймати 9 млн рублга етган. Экспертлар эндиликда сифатли мўйнанинг афғон қўйларида кўплигини аниқлашган.

Давлатнинг мақомини белгилашда, аҳоли фаровонлиги таъминлашда, бозор муносабатларини ҳаракатлантиришда хизмат қиладиган куч бу пул тизимидир. Бухоро амирлиги ҳудудида XIX аср ўрталарида уч хил пул муомалада бўлган. Асосан олтин (тилла), кумуш (танга) ва мис (пул) тангалари ишлатилган. Шу билан бирга Бухоро бозорларида Афғонистон, Эрон, Хиндистон ва Россия пуллари ҳам учраб турган. Бухоро амирлиги устидан Россия империясининг мустамлакаси ўрнаталганидан сўнг рус ҳукумати Бухоро пул тизимини йўқотишни ҳамда рус пулларини муомалага киритишни мақсад қилган. 1893 йилгача Бухоро бозорларида 1 Бухоро кумуш тангасининг нархи 1 Россия рублининг 20 тийини даражасида сақланган *[21; 2 с.]*. 1893 йилда Россия давлат банкининг Бухоро бўлими ташкил қилиниб, унга Бухорода пул муомаласини тартибга солиш вазифаси юклатилган. 1893 йил 17 сентябрда Бухоро шаҳрида рус консулининг муовини Орлов бошчилигида маҳаллий ва рус савдогарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтган. Йиғилишда Бухоро савдогарлари кумуш танганинг рус ҳудудларида олдингидек ишлатилишини сўраб мурожаат қилган. Аммо рус савдогарлари бу фикрга қарши бўлиб, бутун дунёда кумуш тангалардан воз кечилган, Бухоро ҳам бу тангалардан воз кечиши керак деган фикр билан қаршилик билганлар *[22; 2 с.]*. Аммо 1894 йилда пахта саноатида туб ўзгариш юзага келган. Чет элдан олиб келинган пахта учун бож миқдори кўпайтирилган. Дунё бозорида пахта нархининг пасайиши оқибатида пахта савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар катта зарар кўра бошлаган. Рус ҳукумати вазиятни сақлаб қолиш мақсадида Бухоро кумуш тангаларини рус ҳудудига олиб киришга рухсат берган *[23; 2 с.]*. 1904 йилга келиб эса, Россия хукумати тазйиқи остида Бухоро тилла ва кумуш тангаси чиқарилиши тўхтатилган. Амир ҳукумати кумуш тангаларни мис тангаларга алмаштиришга маълум миқдорда ҳаракат қилган. Бу пайтдаги 1 Бухоро тилла тангасининг нархи тахминан ҳозирги 1000 евродан зиёд бўлган. 1917 йилда Бухоро амири муомалага ярим тангадан 20 тангагача қийматдаги янги тангаларни киритган, улар 3 йил давомида зарб этилган. 1918 йилдан бошлаб Бухоро пул муомаласига амир ҳукумати томонидан чиқарилган дастлабки қоғоз пуллар киритилган. Аввалига 20, 60, 100, 200, 300, 500, 1000, 2000, 3000, 5000 танга қийматидаги қоғоз пуллар чиқарилган *[24; 63-68 б.]*. 1919 йилда пул чиқариш технологияси анча оддийлашган ва фақат 50, 100, 200, 500, 1000, 2000, 3000, 5000, 10000 танга қийматидаги пуллар чиқарилган *[25; 99 с.]*.

Бухоро амирлигида пахтани қайта ишлаш билан бирга, жунни тозалаш ва унга ишлов бериш, пилладан ип газлама тайёрлаш ва чарм маҳсулотларига ишлов бериш, узумдан вино олиш каби саноат турлари кенг ривожлана бошлаган. Дастлабки пахта заводлари жуда оддий ва оғир қўл меҳнатига асосланган. Ишчилар сони кам ва тажрибасиз эди. Амирликда 1860 йилда пахтани қайта тозалайдиган 11 та дастгоҳда пахта қайта тозаланган. 1890 йилга келиб дастгоҳлар сони 87000 тани ташкил қилган [26; 31 с.].

Рус ва чет эл капиталининг амирлик ҳудудига кириб келиши ва кўпайиб бориши саноат ишлаб чиқаришининг янги турлари пайдо бўлишига замин яратган. Пахта тозалаш заводларининг кўплаб вужудга келиши пахта хом-ашёсига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирган.

Чет эл капитали асосида биринчилардан қурилган илк завод ёғ-мой заводи эди. Ўлкада илгари қадрсиз бўлган, ҳатто вилоятларда ўтин сифатида

фойдаланилган чигитдан 1890 йилдан бошлаб саноат усулида ёғ олиш бошланган. Бу завод Янги Бухоро (Когон) да рус савдогари К.Дрежевецкий томонидан қурилган *[27; 113 б.]*. Бироқ чигит тўплаш имконияти чекланганлиги, айниқса, маҳаллий аҳоли орасида диний қарашларнинг кучлилиги ғайридинлар тайёрлаган ёғни истеъмол қилишни хохламасликлари туфайли завод фаолияти тўхтаб қолган. Кейинги заводлар шу йилда Янги Бухоро, Карки, Термиз ва Чоржўй шаҳарларида қурилган пахтани қайта ишлаш заводлари эди. Янги Бухорода қурилган пахта тозалаш заводида пахта умумий сиғими 460 от кучига эга бўлган 5 пресслаш ва 40 та пахтадан тола ажратиб оладиган машиналарда ишлаб чиқарилган *[28; 7 с.]*. Амирликда саноат корхоналарининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар кичик корхоналар бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати кам, ўртача корхоналарда 35 кишини иш билан таъминлаш мумкин бўлса, айрим корхоналар 100-140 нафар кишини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлган.

XIX аср охирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослаштириш жараёнининг кучайиши билан узумчилик, боғдорчилик, ипакчилик билан шуғулланувчи хўжаликлари товар-пул муносабатларига тортилган. Айниқса, Бухорода узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар тобора кўпайиб борган. Бухорода узум етиштирувчи ҳудудларга Кармана, Хатирчи, Шаҳрисабз, Ғузор, Чироқчи, Қарши бекликлари ва Бухоронинг бир нечта туманлари кирган *[29; 225 с.]*. Узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг характерли хусусияти шундаки, бу соҳа билан кўпроқ йирик ер эгалари эмас, кам ерли хўжаликлар шуғулланган. Бунинг сабаби камбағал деҳқонларнинг ҳам товар-пул муносабатларига тортилиши, пулга муҳтожлик туфайли бозорбоп маҳсулотлар етиштиришга ҳаракат қилишлари эди. Бундан кўринадики, узумчилик билан шуғулланувчи оилаларнинг узумчиликдан қилган даромади қишлоқ хўжалигидан қилган йиллик даромадининг 75-78 фоизини ташкил қилган. 1887 йилда маҳаллий сармоядор А.Абрамов томонидан вино заводи қурилиб ишга тушган. Заводда 15 ишчи ишлаб, мавсум даврида 13200 челак вино ишлаб чиқарилган *[30.]*.

Бироқ амирлик ҳудудида йирик сармоядорларнинг етишиб чиқишини мустамлакачилар умуман хоҳламаган. Улар миллат ичидан етишиб чиққан мулкдорлар табақасининг охир-оқибатда ўз халқининг туб манфаатлари учун кураш олиб боришидан қўрққан. Шунинг учун Россия империяси ҳукумати ва буржуазияси ўсиб келаётган ўзбек маҳаллий сармоядорларининг иқтисодий-сиёсий ҳуқуқларини чеклаб, унинг ривожланиши ва иқтисодий юксалишига тўсқинлиқ қилиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида XIX аср охири ва XX аср бошларида маҳаллий мулкдорлар қатлами шаклланди. Бу қатлам вакиллари Бухородаги йирик буржуазия вакиллари: савдогарлар, тижоратчилар, қоракўлчи ва заводчи бойлар бўлиб, бир томондан, улар Россия империясининг минтақадаги йирик сармоядорлари билан рақобат қилишга киришган бўлса, иккинчи томондан, Бухоро амирлиги иқтисодиётида тобора муҳим роль ўйнай бошлади. Амирликда XIX аср охирида 12 мингдан ортиқ маҳаллий савдогар бўлиб, қоракўл тери, пахта, жун, ипак толаси билан савдо қилишдан ташқари катта ер майдонларига ҳам эга бўлиб, уларни маҳаллий деҳқонларга ижарага бериш ҳисобидан даромад олганлар. XX аср бошларида амирлик иқтисодиётининг етакчи тармоқлари кўпроқ Россиядаги саноат ишлаб чиқаришининг таъсир доирасига тушиб борди. Маҳаллий ҳунармандчилик тармоқларига замонавий асбоб-ускуналарнинг ниҳоятда секинлик билан жорий этилиши меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Маҳаллий савдогарларнинг асосий қисми саноат ишлаб чиқариши билан бир қаторда савдо-сотиқ ва тижорат ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Бундан ташқари Бухорода яшаган айрим ҳиндлар ва форслар судхўрлик билан ҳам шуғулланганлар.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O’zbekiston MDA, I-323-fond, 1-ro’yxat, 80, 127, 369, 400-ish.
2. Abduxoliq Nabaviy. “Buxoroi sharif” sarog‘ozi matbuoti milliy. – Dushanbe.: “Buxoro”, 2012.
3. O’zbekiston tarixi (1917–1991 yillar). Birinchi kitob 1917–1939 yillar. – Toshkent.: “O’zbekiston”, 2019.
4. Конорка S.P. Turkestanskiy kray. – Tashkent. 1913.
5. Xotamov N.B. Istoriya bankov i predprinimatelstva v Sredney Azii (60-ye god XIX v. – 1917 g.). – Dushanbe.: “ER-graf”, 2014.
6. Yorov A.Sh. Buxarskiy emirat na mirovom rinke (vtoraya polovina XIX – nachalo XX stoletiya). – Dushanbe. 2017.
7. Muhammad Ali Baljuvoniy. Tarixi Nofeiy (Foydali tarix). – Toshkent.: “Akademiya”, 2001.
8. Rajabov Q., Hayitov Sh. Usmon Xo‘ja. – Toshkent.: “Abu matbuot-konsalt”, 2011.
9. Seymour Becker. Russia’s Protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva 1865–1924. London and New York: “Routledge Curzon”, 2005.
10. Qilichev R.E. XIX asrning II-yarmi – XX asrning boshlarida Buxoro shahrida hunarmandchilik. t.f.n. diss. avtoref. –Toshkent. 1997.
11. Buxoro Sharq durdonasi. – Toshkent.: “Sharq”, 1997.

12. O‘roqov M.B. Zarafshon vohasi aholisining xonaki to’qimachilik va chorvachilik hunarlari (XIX asr oxiri – XX asr boshlari). t.f.n. diss. avtoref. – Toshkent. 1993.
13. Yorov A.Sh. Buxarskiy emirat na mirovom rinke (vtoraya polovina XIX – nachalo XX stoletiya). – k.i.n. diss. avtoref. - Dushanbe. 2005.
14. Amonova F.S. Buxoro amirligi iqtisodiyotiga tarixiy nazar (XIX asr oxiri – XX asr boshlari). – Toshkent.: “YANGI NASHR”, 2013.
15. Karakulevaya ovsa i razvedeniye yeyo v Sredney Yevrope // Turkestanskiy sbornik. № 468. – Tashkent. 1908.
16. Karakuleviy rinok // Turkestanskiy sbornik. № 511. – Tashkent. 1909.
17. Karakuleviy krizis // Tarjimon. № 44. 1903-yil 10-noyabr.
18. Karakulevaya ovsa i razvedeniye yeyo v Sredney Yevrope // Turkestanskiy sbornik. № 468. – Tashkent. 1908.
19. Karakulskaya ovsa // Turkestanskiy sbornik. № 543. – Tashkent. 1910.
20. Xotamov N.B. Rol bankskogo kapitala v sotsialno-ekonomicheskom razvitii Sredney Azii (nachalo 90-x g.g. XIX v. – 1917 g.). – Dushanbe.: “Donish”, 1990.
21. O priyome Buxarskoy tengi // Zakaspiyskoye obozreniye – Asxabad. - № 186. 22 avgusta 1901g.
22. Buxoro // Tarjimon. - № 34. 1983-yil 14-oktyabr.
23. Mavorounnahr // Tarjimon. - № 47. 1984-yil 23-dekabr.
24. Rajabov Q., Inoyatov S. Buxoro tarixi. – Toshkent.: “Tafakkur”, 2016.
25. Kurbanov G.N. K istorii bumajnix deneg Buxare XX v. «Numizmatika Sentralnoy Azii», vip. VII, - Tashkent. 2004. www.bonistikaweb.ru
26. Fomchenko A.P. Russkiye poseleniya v Buxare, ix rol v ekonomicheskom razvitii xanstva i uchastiye v revolyusionom dvijenii. r.i.n. diss. avtoref. – Tashkent. 1958.
27. Tarix shohidligi va saboqlari: chorizm va sovet mustamlakasi davrida O’zbekiston milliy boyliklarini o’zlashtirilishi. – Toshkent.: “Sharq”, 2001.
28. Ryabinskiy A. Sarskaya Rossiya i Buxara v epoxu imperializma // Istorik-marksis. № 4. 1941.
29. Abduraimov M.A. Ocherki agrarnix otnosheniy v Buxarskom xanstve. – Tashkent.: “Fan”, 1966.
30. O’zbekiston MDA, P-105-fond, 1-ro‘yxat, 3-ish, 139-varaq.